



24.01.2022 даги

Кушрабод Электр тармоклари ва Маданият булими ўртасида 4998600,00 сўм умумий суммага тузилган 09 -
сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 056
Шахсий ғазна хисобварак 100022860182167082310056001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4221000			
Январь	2 999 700,00			2 999 700,00
Февраль	999 900,00			999 900,00
Март	999 000,00			999 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	4 998 600,00			4 998 600,00

Жами 4998600,00 сўм

Тўрт миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг олти юз сўм 00
тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки ____ % *** шартноманинг умумий суммасидан
____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ____ % жорий ойнинг ____ санаасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Холбоев Эрмамат

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

(имзо)

Норов Аблокул Абдиназарович

Ф.И.Ш.

УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 24 синвар 09 -сон
Санаркало туткүл мурас
Бударабад 73715
(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

Кретчады -
т.ш.з. К.номи
асосида фаолият юритувчи

Рахбари 1. Исламов (кейинги ўринларда
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Таъминотчи корхона" деб аталади бир томондан ҳамда 1. Ислам асосида фаолият юритувчи 2. Исламов шаддасигат бўйиче
(истеммолчилик номи)
рахбари 2. Исламов (кейинги ўринларда "Истеммолчи" деб аталади),
(истеммолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, "Таъминотчи корхона" "Истеммолчи"га электр энергиясини уланган тармок оркали етказиб бериш ва "Истеммолчи" истеммол қилинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеммолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 1109 кВт.с. реактив 1109 кVar.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 4988600 ташкил этади.
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси эъзисин)

2.3. "Истеммолчи"га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. "Истеммолчи" томонидан истеммол қилинган электр энергиясининг ҳақ туланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатта олинган холда аниланади.

2.5. Истеммолчиларнинг (маишӣ истеммолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташкири) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошқа воситалари истеммолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул урнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб борувчи коэффициент қўлланиладиган ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган кувваги 750 кВА ва ундан ортик бўлган "Истеммолчи" (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хужаликлари ва сув истеммолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: яrim тигиз давр – сутканинг ёрӯж вактида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва яйрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

3.4. “Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг курсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки поча алоқаси орқали ҳар ойнинг “_____” санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ хажмидан ташкари тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия хажмлари алоҳида ҳам курсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоклари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бууда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергиянинг аванс тарифларида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган мулдатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотүгри күллаш туфайли пайдо бүладиган камва ортиқча тұловлар тегишили тариф бүйінча кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқлады ва “Таъминотчи корхона” томонидан дағы муддатты доирасыда курсаткічлардагы тағовуг ёки күшмечалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. “Истеммолчи”га электр энергиясы етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға ошириллади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға ошириш хохишини билдирган истеммолчилар хисоб-китоб амалға ошириладиган даварни курсатиб хисоб-китоб даври бошланышидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Таъминотчи корхонага мурожжат күлгінләри тақдирда электр энергиясы истеммолчиларға 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйлади. Олдиндан ҳақ тұланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаётган истеммолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалға оширилмаган ҳолларда мазкур истеммолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тұлға узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеммолчи”нинг энергия сарфи тұғрисидаги хисоботи асосида белгилінган тартиба хисоб-китобни амалға оширади ва беш кун ичидә тұлов амалға ошириш учун хисоб-фактура ва тұлов хисоб-варагини тақдим этади.

“Истеммолчи” түрли тариф гурухларига тегишили бўлган бир нечта обьектта эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф курсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тұлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеммолчи тұғрисидаги маълумотлар курсатилган холда электрон раками имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажбусининг 25.06.2019 йылдагы 522-сонги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобвтара-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чорада бирларни тұгерисида” га карори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофик, электр тармоқларининг мансублик баланси бүйінча фарқланып далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлығы асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасыда үрнатылмаганды, чегарадан хисобга олиш прибори үрнатылған жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеммолчи” билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада курсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватта уланган, табақалаштирилган тарифда тұловларни амалға оширадиган “Истеммолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва түнгі пайтлары учун алоҳида аникланаби, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишили пайтларига тұлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик броқи истеммолчилар тұлдиради).

3.9. Электр энергиясы ягона электр энергетика тизимидан транзит бүйінча истеммолчининг электр тармоги орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатылганда, истеммолчи тармоқларидаги электр энергиясы технологик сарфининг бир кисми, истеммолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеммолчи томонидан узатылған электр энергиясы миқдорига мутаносиб равиша, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга үтказилади.

3.10. Электр энергиясы сарфи тұғрисидаги хисобот истеммолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергиясы (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеммолининг шартномавий миқдори бүйінча ёки үттан хисоб-китоб давр учун электр энергиясы истеммолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тұғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда хисобга олиш приборлари курсаткічлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзб олингандан кейин амалда истеммол қилинган электр энергиясы учун

кайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истемолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Тъмминотчи корхона истемолчилар билан биргаликда истемол килинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини анилаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари курсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истемолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Тъмминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз кули билан, факсимил электрон ёки поча алокаси оркали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истемол килинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини анилаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истемолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги курсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истемолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олиниади.

“Тъмминотчи корхона” “Истемолчи”нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралардо электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини тъмминлади.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун курсатилган энергия миқдордан 5 фойздан ортик миқдорда энергия истемол килганда, “Истемолчи”дан шартномада курсатилган миқдордан ортик истемол қилинган электр энергияси жъами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 барабари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истемолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шуннингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси кайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истемолчи” шартномада курсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истемол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайгариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олиниади.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати утган деб хисобланади ва тўлов муддати утган ҳар бир кун учун “Истемолчи”га тўлов муддати утган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати утган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истемолчи” ва “Тъмминотчи корхона” ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истемолчи”ни куйидаги ҳолларда электр тармокларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Тъмминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари курсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларни касдан бузганда, курсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан араласиши ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиши қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда таққислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истемолчиларнинг тартибсиз узib қўйилишининг олдини олиш мақсадида худудий электр тармоклари корхонаси учирини курсатган

ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва ишоотларни ёриттичларини, электр иситиш ва иссик сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб кўйиши талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликтан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармокларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равиша ҳак тўлади.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари кўйидаги ҳоларда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-модасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат килган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр курилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришининг тұхталиши ёки тұхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол киладиган энергия хажмларининг ўзgartирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини ўзgartириш бўйича таклиф мулжалланаётган ўзgartиришдан олдин, тегишли микдор учун 100 % толов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тутагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилши тұхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти шартномасини тузища ва бажарища юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополия қарши давлат органдига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат килиш.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошка ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. "Истемчилчи" куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеммол килиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вактида ҳақ тұлаш;

ишлатылаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник холатини ва истемчилчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация килишида хавфсизлик техникаси коңдапарига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоклари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги түгрисида хабар килиш;

электр энергиясидан оқилюна фойдаланиш чора-тадбирларини амалға ошириш;

"Ўзэнергоинспекциясининг"нинг ёзма курсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши коңдапарига талаабларига риоя этиш;

ўрнатылган тартибда худудий электр тармоклари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга олиш асбобларини күришига имкоз бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камила бир ой олдин электр энергиясининг зарур мөкдори учун 100 % олдиндан тұлов амалға оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бұлған әхтиёжни аниклашда электр энергиясини электр тармокларидан узатышда, ишлаб чикариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жарайни ишлаб чикариш әхтиёжларнга, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурйи биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланған субистемчилчиларнинг әхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланған куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бұлған "Истемчилчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига күра куйидагиларни хисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеммол килип аётган кувватнинг хар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги мөкдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг күп ва энг кам юкламали дәврлариде реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг күп юкламасининг үтиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дақықада сарфи.

Уланған куввати 250 кВА ва ундан ортиқ бұлған истемчилчилар юқорида күрсатылған мажбурлайлар билан биргаликта күйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чикариш (ишларни амалға ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисадий жиҳатдан асосланған илгор нормаларини ишлаб чикиш - умумий ишлаб чикариш ва технология; якка тартибдаги ва гурух бүйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чикаришни тащкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ұзгартырилиши) ва янги техника жорий этилишига караб қайта күриб чикиш;

корхона бүйича, шу жумладан күп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истемчилар гурухлари бүйича электр энергияси балансларини түзиш ҳамда улар асосиша ишлаб чикариш жараёнларидан электр энергиясидан фойдаланыш самарадорлыгини таҳлил килиш, электр энергиясининг самараасыз сарфланышы ва истроф бұлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартарағ этиш бүйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалға ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бұлған әхтиёжни ва электр тармокларининг энергия үтказиш қобилятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниклаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чикаришнинг, бажариладиган иш турларининг мүлжалланылған прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи мөщерларидан келиб чикиб, уларни камайтириші ва электр энергиясини тежашини хисобга олған ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини түзиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланған мөщерларига риоя килиш ва уларни камайтириш бүйича белгиланған тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш буйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

“Истеммолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеммолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеммолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” қуидаги хукукларга эга:

“Истеммолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеммолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истеммолчи”ни электр тармоғидан узиб күйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳак тұлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бұлған истеммолчини олдиндан тұланган ҳак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Электр тармоғи ҳұжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартарағ этиш ёки одамларнинг хавфсизлегини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиқтириб үйлайдыткан чора-тадбирларни күриш зарурати бұлғанда, “Истеммолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирасдан энергия етказиб бериишни тұхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчилтика мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеммолчи”ни электр тармокларидан узилғандан кейин юзага келтән холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бұлмайды.

4.4. “Таъминотчи корхона” қуидагиларға мажбур:

“Истеммолчи”га электр энергиясini электр тармоғи оркали электр тармокларининг баланс буйича мансублик бұлниши чегарасында шартномада күрсатылған ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиши линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларға техник хизмат күрсатиши ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳұжалиги обьектларидаги носозліктерни бартараф килиш;

электр тармоғи ҳұжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мүмкін бұлған узилишлар тұғрисида камида 3 күн олдин огохлантириш;

“Истеммолчи”ни электр энергиясini етказиб берилиши тұхтатилиши ва тұхтатилиши сабаблари тұғрисида хабардор килиш (Истеммолчи мастьул ходимларини уяля алоқа воситаси оркали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар оркали ёки Ѽзам тарзда);

киритилаёттан чеклашлар тұғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти күрсатылған холда “Истеммолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси түлік етказиб берилмaganligи ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тұғрисидаги “Истеммолчи”нинг аризасини, ариза олинған кундан башлаб 10 кундан кечиқтиримдай күріп чикиш, бартараф этиши ва батағсил жавоб юбориш;

“Истеммолчи”га үрнатылған гартибда етказиб берилған энергия хисобини юритиш;

“Истеммолчи”нинг белгиланған тартибда киритилған тақлифларига мувофиқ беш күн мұддатда электр энергиясining ойлик шартномавий ҳажмiga үзгартылыштар киритиш, электр энергиясining ойлик шартномавий міндерини күпайтириш (камайтириш) мүмкін бўлмаган тақдирда - бу ҳакида, рад этиши сабабини күрсатған холда, истеммолчига хабар килиш;

“Истеммолчи”да үрнатылған хисобга олиш приборларини алмаштириш ва үрнатиши, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартыга мувофиқ бұлған электр энергиясini етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчилтика мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛIGI

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича тараflар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланған тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

бажарилмаган ёки тегишили тарзда бажарилмаган холларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармаган туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганинги учун;

захира маъбаҳ автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик учирishлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармок орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиши ва ҳаракатларига боялиқ бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда кайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавкулодда холатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараённада юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

VI. ЯКУИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20~~22~~ йил ~~31~~ 2020 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал килиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккичи томонни бекор килиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қўлган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб килиши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тўғрисида хабарнома ёзма равища юборилади.

6.4. Барча ўзgartариш ва кўшимчалар, агар улар фақат ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзолangan бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Ч1000100195 БУШМОД
Хисобраками 10001198100181167082310056001
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 100750220
Республика ва маъзалий бюджетдан молиялаштириладигач Истеммолчилар учун:
Бюджет фондининг хисобраками Марказий банк тоҷорӯй бб.
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 0,301192919
Бюджетдан ташқари фондниг хисобраками
Банк коди (МФО) _____ STIR (ИНН) 742914077774240,
ҚҚС тӯловчининг коди _____
Телефонлар; _____ Факс; _____ e-mail: _____
(Истеммолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзиз ёзилади)

Кадастр раками _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) _____
DBIBT (СООГУ) _____
МНОВТ (СОАТО) _____
(КФС) _____
TSHK (КОПФ) _____

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Чирчакское с/п 1272
Хисобраками 22688000202611704386
Банк коди (МФО) 00017 STIR (ИНН) 200613490
ҚҚС тӯловчининг коди _____
Телефонлар: 66-646-13-46.

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ)
МНОВТ (СОАТО)

Истеммолчи,

Надаимий бўшиш
Леонид Умайдов

Таъминотчи корхона:



ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУОСАСИ:

Мазкур электр энгиргиядан фойдаланиш шартномаси _____
юристконсульт _____

ФИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувоғик тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий хукукий базаси тутрисида"ти конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт:

(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Ётказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тури _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лоиха бўйича) _____

 - Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) _____

6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига таёглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	6666				
Февраль	2222				
Март	2222				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I __, II __, III __

Истеъмолчи

Таъминотчи корхона



Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истемолчи”нинг (суб“Истемолчи”нин г) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори раками	Ҳисобга олиш прибори клемма колкогидаги пломбанинг раками	Узлов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги курслаткича ри ҳисоблагич курслаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			

Имзолар:



М.У. (Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация килиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Xар бир электр энергияси хисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Хисобга олиши прибори давлат раками _____ ток трансформатори _____ кучланиши
трансформатори _____ ўзами кофициент _____ уланган куввати _____ кВт

Хисобга олиши прибори ўрнатилган манзил _____

шахар, кфий, мфий, кўчча уй раками

1. Тариф гурухи _____ Фаолият турни _____
Труба ишл.чик, Шлакоблок, Гишим, Пленка ишл.чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе.. Оиҳона Устахона ва...???

1. “Истеммолчи”нинг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд:

a) хаво электр тармоги _____

b) кабель электр тармоги _____

b) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП раками _____, _____ кВА

2. “Истеммолчи” ва “Таъминотчи корхона” ўртасидаги электр тармокларниң баланс бўйича
мансублик чегараси _____

3. Улардан куйидагиларга:

a) _____ хизмат курсатиш “Истеммолчи” ходимлари томонидан,

b) _____ хизмат курсатиш “Истеммолчи” билан тузилган “Техник хизмат курсатиш” № _____ сана _____ й.

“Истеммолчи” билан тузилган “Техник хизмат курсатиш” № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат
курсатилади. “Техник хизмат курсатиш” шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат курсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат курсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси куйидагича белгиланди: _____



Истеммолчи

М.Ҷ.

Таъминотчи корхона

М.Ҷ.

(имзо)



Вакиллар:

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига

4 - илова

**Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аникланади ва қуидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишилари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўкотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўкотишлар ҳажми хисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аникланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган маиций истемолчиларининг электр энергиясини хисобга олиш усуналаригача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўкотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аникланади ва уй-жой микдорлари ширкатлари истемолига каратилади.

Имзолар:

Истемолчи:

М.У. (Имзо)

Таъминотчи корхони:

М.У. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига 5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи буйича ХИСОБОТ

20 йил ой буйича

Курсаткышлар қайд этилған сана «__» 20 __ йил.

Изок: $T_{\text{изок}} = 6 \text{ устун} + 5 \text{ устун} \cdot \text{табигаталантирилган хисоб учун назорат раками}$ $= 7 \text{ устун} * 4 \text{ устун}$,
 $8 \text{ устун} = 9 \text{ устун} + 10 \text{ устун} + 11 \text{ устун} + 12 \text{ устун} + \text{гр} 13 \text{ устун}$.

Истъмодчи радиоцирк

Таъминотчи жорғона-энергетиги

М.У. Ф.И.П. Газеси

©КУД.имзос

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация курилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация курилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация курилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқури	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кVar (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва урнатилган тартибида аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан холда аннександи.

Хисобот даврининг яхуди бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги миқдори истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аннександи.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда фаоз энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аннександи;

10 % - реактив энергиядан иктисодий киймат миқдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аннександи;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр тъзимоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарича тўлдирилмаслиги хисобга кувват коэффициентининг норматив киймати Истеммолчи томонидан кўллаб-куватланмаслиги аннектанди, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибида актив электр энергия йўқолини кийматининг техник-иктисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеммолчилардан кўшинчча маблаглар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблагни ундириши хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганнига нисбатан Истеммолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекция”нинг тасдиқлари бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеммолчи ягона электр тизими тармогида электр тармогининг катта юкламили соатларида реактив энергия хоси килганда ва электр тармогининг кичик юкламили соатларида энергия тизими тармогидан реактив энергия истеммол килинганда, агар Истеммолчининг бундай рожимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеммолчи:

(Имя)



M.Y.



Тъзимотчи корхона:

M.Y.

Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштироқида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки кисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши бошқа баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш боскичлари:

I боскич _____ кВт
II боскич _____ кВт
III боскич _____ кВт
IV боскич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тұжташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда құриқлаш ёритгичлари электр тармогидан узымаган ҳолда қолдирилади.

б) Енгизға көрши әзхира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига киритилди (утибы ағрелашттар, заруратга қараб, олдинең таъминотчи корхона баптитилген ҳолда дайхатта киритилиши мумкин).

Измалор:



Истеъмолчи:


(Изоҳ)

М.У.

Таъминотчи корхона:

(Изоҳ)

М.У.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QO'SHRABOT TUMAN YURIDIK XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI

*Qo'shrabot tumani Qo'ratos MFY Zahreddin Muhammad Bobur ko'chsi
Davlat xizmatlari markazi binosi*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami № XX10357540

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Qo'shrabot tumani Madaniyat bo'limi va Qo'shrabot tuman elektr tarmoqlari korxonasi AJ bilan elektr energiyasi etkazib berish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'shrabot tumani madaniyat bo'limi va Qo'shrabot tuman elektr tarmoqlari korxonasi bilan elektr energiyasi etkazib berish to'g'risidagi shartnoma. 24.01.2022-yil.

4. Loyiha haqida huquqiy xulosa: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 12-yanvardagi 22-sonli qarori talablariga muvofiq tuzilgan. Tomonlar o'rtasida mazkur shartnomani tuzish uchun O'zbekiston Respublikasining qonunchilik talablari moniylik qilmaydi. Shartnoma ishtirokchilarining xuquq va majburiyatları O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga javob beradi. Shartnoma shartlari yuzasidan kelib chiqishi mumkin bo'lgan javobgarlik masalasi tomonlar o'rtasida qonuniy kelishilgan.

Qo'shrabot tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi tomonidan qonunga muvofiq deb topildi.

Bosh yuristkonsult

24.12.2021-yil



I.Karimov